



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 5 май, № 93 (7595)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни ёқилғи-энергетика тармоғида самарадорликни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни кескин ривожлантириш бўйича катта мақсадлар белгиланган. Бунинг учун янги энергия қувватларини ишга тушириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Масалан, юртимизда минг долларлик ялпи ички маҳсулот яратиш учун ривожланган давлатларга нисбатан 2-3 баробар кўп энергия сарфланади. Нефть маҳсулотларига йиллик талабнинг 44 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Шу боис йиғилишда яқин йилларда энергия сарфини 2-2,5 баробарга қисқартириш масалалари муҳокама қилинди.

Оммабоп қишлоқ хўжалиги техникаси ва юк автомобилларини газга мослашган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

зарурлиги таъкидланди. Жорий йил якунигача 3 та пропан-бутан аралашмаси ҳамда синтетик ёқилғи (GTL) заводи ишга туширилиши қайд этилди. Бунинг натижасида авиакеросин, дизель ва суюлтирилган газ импортига тўлиқ барҳам берилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи биноларни иситиш ва ёритишга сарфланади. Бу жараёнда исрофгарчилик ҳам кўп. Масалан, 1 квадрат метр майдонни иситиш учун юртимизда ўртача 400 киловатт-соат, иқлим шароити бизга яқин ривожланган давлатларда эса 170 киловатт-соат энергия ишлатилади.

Шу боис кўп қаватли уйларни лойиҳалаш ва қуришда энергия тежовчи технология-

ларни кенг қўллаш, ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини оширишга хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Саноатдаги энергия сарфи ҳам таҳлил қилинар экан, ҳар бир соҳа ва тармоқ кесимида ушбу ресурсни тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Халқаро энергоаудит ташкилотларини жалб қилиб, 285 та йирик саноат корхонасининг энергия самарадорлигини ўрганиш, уч сменада иш ташкил этган тадбир-корларга кечки смена учун электр тарифини 1,5 баробар қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари — ҳали тўла фой-

даланилмаётган улкан резервлардан бири. Албатта, бу йўналиш аввалига катта харажат талаб қилади. Лекин бу келажақда табиий газ ва нефть танқислигини ҳал қилиш, истеъмолчилар учун эса сарф-харажатларни камида 2 баробар тежаш имконини берса, ўзини оқлайди.

Мисол учун, агар 150 мингта хонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб метр табиий газни тежаш мумкин.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, жаҳон тажрибаси асосида истеъмолчиларга қўшимча шарт-шароит яратиш муҳимлиги таъкидланди. Соҳага тўғри-

дан-тўғри инвестициялар жалб қилиш, вилоятларда қуёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари қуришга доир масалалар кўриб чиқилди.

Электр энергияси ҳамда табиий газ сарфини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Карантин сабабли ёқилғи-энергетика корхоналарида маблағ танқислиги вужудга келишини инобатга олиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айланма маблағларини қўпайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мута-саддилар ахборот берди.

Ў.А.

ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

МЕҲР-ОҚИБАТДАН МУНАВВАР КЎНГИЛЛАР

Сардоба сув омборида юз берган тошқин ҳудудидан эвакуация қилинган минглаб юртдошларимиз бугун барча ҳаётий шароитлар яратилган масканларда, хонадонларда, оқибатли халқимизнинг меҳри оғушида яшаб туришибди. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, Президентимиз ва бутун саховатпеша халқимизга миннатдорлик билдирарётир.



яқиндаги юртдошларимизнинг саховатидан, кўнгил сўраб, меҳр улашаётганлигидан ўн чандон суюнжамиз.

Ҳа, инсоннинг бошига мушкулот тушганда бир оғиз далданинг ўзиёқ кишига қанчалар куч-қудрат, эртанги кунга ишонч уйғотишини дилдан ҳис қилармиз. Халқпарвар Президентимиз, меҳр-оқибатли халқимиз борлигига шукроналар айтапмиз.

Нафиса УМАРОВА,
Сардоба шаҳарчасида
яшовчи фуқаро:

— Рости, бугун ўша фалокат рўй берган кундаги тушқун кайфиятдан асар ҳам қолгани йўқ. Негакки, офат рўй берган дастлабки лаҳзалардаёқ Президентимиз ёнимизда бўлди, аҳоли билан юзма-юз суҳбатда бу ҳам бир кўргулик, синов эканлигини айтиб, бу бало тезда бартараф этилишини, турмушимиз бундан-да обод ва фаровон бўлиши учун барча чоралар қўрилишини айтиб далда берди.



ЯКДИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бухоро вилоятида кузатилган кучли шамол оқибатлари жадаллик билан бартараф этилмоқда. Қўрилаётган чоралар натижасида ҳаёт изига тушмоқда. Хусусан, бугун қарийб 100 минг кишилик Олот туманининг ҳар бир кўчасида ишлар қизгин кетмоқда. Бу ерда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қурилиш материаллари изма-из етказилмоқда.



Маълумотларга қараганда, зарар кўрган 13 та тиббиёт муассасасининг 4 таси фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди. 35 та умумтаълим мактаби қисқа муддат ичида таъмирланди. 13 та мактабгача таълим муассасасининг 3 таси аввалги ҳолатидан ҳам кўркам қиёфага келтирилди. Сузиш ҳавзаси, спорт мактаби, санитария осойишталик маркази, мусиқа мактаби, маданият бўлими биносини таъмирлаш ишлари бормоқда. Бу юмушлар қисқа вақт оралиғида низоҳасига етказилади. Чунки ишчи кучи, қурилиш материаллари таъминотида муаммо юзга келгани йўқ. Ҳозир туманда талафот оқибатларини бартараф этиш ишларига 229 та қурилиш бригадаси жалб этилган. 50 дан зиёд газ тақсимо-ти, ўнлаб электр таъминоти трансформатор пунктлари таъмирланди.

— Бугун халқимиз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни, қўллаб-қувватловни жуда яхши англаб турибди, — дейди Олот тумани маҳал-

ла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Чинни Қувондиқова. — Ўз ҳаётида, турмуш тарзида ифодасини кўрмоқда. Айтилган сўз амалда намоён бўляпти. Қурувчилар, кўнгилчилар сазй-харақати билан тураржойлар ҳам тезкорлик билан таъмирдан чиқариляпти. Шу кунга қадар табиий офатдан зарар кўрган 14 708 та хо-

надоннинг 2226 таси тўлиқ таъмирланди. Бу ўзгаришларни кўраётган туман дошларимизнинг руҳлари тетик. Улар ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва сабр-қаноат билан бу қийинчиликларни енгиб ўтишмоқда.

Айни пайтда маҳалларда таъмирлаш, қайта тиклаш, ободончилик юмушлари қизгин давом этапти.



«БИЗ БИРГАМИЗ, ҲАР ҚАНДАЙ ОФАТНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ!»

4 май ҳолатига кўра, Сирдарё вилоятида фавқулодда ҳодисадан жабр кўрганларга

**162 тонна ун,
63 минг литр ўсимлик ёғи,
108 минг дона тухум,
58 тонна шакар,
212 тонна гуруч,
43 тоннадан зиёд гўшт
ва гўшт маҳсулотлари,
қарийб 330 тонна сабзавот,**

**шунингдек, 32,5 тоннадан
зиёд бошқа маҳсулотлар,
кийим-бош, кўрпа-тўшак,
гигиена воситалари ва
ҳар хил уй-рўзғор
буюмлари
манзилли тарзда
етказиб
берилди.**



Инсонпарварлик ёрдами доирасида зарур озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар келиши давом этмоқда.

Ҳукумат комиссияси маълумоти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг коронавирус пандемиясига қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатларимизда ушбу хавfli касаллик тарқалишининг, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларга салбий оқибатларини камайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қабул қилинган қарорларга мувофиқ ташкил этилган соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирликлари раҳбарларининг кўп томонлама маслаҳатлашувлари натижалари юксак баҳоланди.

Президентлар Ўзбекистонда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Мулоқот якунида ўзаро товар айирбошлашнинг юқори суръатини сақлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтириш, устувор инвестиция ва инфратузилма, жумладан, минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларни илгари суришга қаратилган биргаликдаги ишларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Суҳбат чоғида қатор халқаро масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Ў.А.

ДУНЁНИГОҶИ



АҚШ расмийлари ва экспертлари ўзбек халқининг матонатини эътироф этди

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси хабарига кўра, АҚШнинг расмий ва эксперт доиралари, шунингдек, ушбу мамлакатда яшаётган ватандошларимиз ҳамжамияти Бухоро ҳамда Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий офатлардан жабрланганларга ҳамдардлик билдириб, қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини таъкидлашмоқда.


Жумладан, АҚШ Давлат Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вал-зифасини бажарувчи, элчи Элис Уэллс "Твиттер"даги саҳифасида шундай деб ёзади:

“Бугун қалбимиз Сирдарё ва Туркистон аҳолиси билан бирга. Биз Ўзбекистон ва Қозоғистон билан елкадошимиз ҳамда биргаликда қайта тиклаймиз”.



КОРОНАВИРУС

бўйича маълумот:



Ўзбекистонда

**2020 йил 4 май
соат 23.00 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони — 2189 нафар,
тузалганлар
1405 нафар,
вафот этганлар 10 нафар.**

дунёда

**2020 йил 4 май ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони —
3 534 367 нафар,
тузалганлар
1 135 021 нафар,
вафот этганлар
248 164 нафар.**

УЙДА ҚОЛИНГ!

ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

МЕҲР-ОҚИБАТДАН МУНАВВАР КЎНГИЛЛАР



Ўзимиз ҳозир Гулистон шаҳридаги академик лицей ётоқхонасида бўлсак-да, биз истикомат қилаётган жойларда жуда катта тиклаш ишлари олиб борилаётганини мунтазам кузатиб турибмиз ва бундан кўнгилмиз хотиржам. Ҳа, яна бир муҳим гап. Президентимиз фарзандларингиз ёнида бўлинг, деб болажонларга бўлган чексиз меҳрини йўллади. Беадад шукри, фарзандларимиз билан биргемиз. Қарангки, уларнинг нафақат ўйнаб-қулишлари, балки таълим олишлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ҳукумчиларга шу ернинг ўзида машғулотлар ўтилмоқда. Маҳалла бозори аёллари ният қилдикки, давлат бозори шунчалик меҳр кўрсатаётган экан, биз ҳам ўйил-қизларимизни ана шу юксак эътиборга жавобан шу азиз ва жонажон Ўзбекистонимиз равақи, халқимиз Ватанга саодати учун хизмат қилувчи, Бахтга, Президентимизга сардорлиги инсонлар қилиб тарбиялаш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Улугбек АЛЛАБЕРДИЕВ,
Оқолтин туманидаги “Шодлик”
маҳалла фуқаролар йиғини
раиси:

— Маҳалламизда тошқин оқибатларига барҳам бериш, ҳудудни қўлмақлардан халос этиш, тозалаш, тартибга келтириш ишлари жадвал олиб боришмоқда. Бу ишда барча имконият ва зарур техника воситалари ишга солинаётди. Эътиборлиси, бундай хайрли

ҳаракатда биргина маҳалламизнинг ўзида юздан ортиқ волонтерлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу ўринда вилоятимиздаги барча, хусусан, Сайхунобод ва Сирдарё туманларидаги маҳаллалар раислари, фаоллари ва аҳолисига маҳалламиз аҳли номидан чин юракдан миннатдорлик билдираман. Оғир лаҳзаларда бизга елкадош бўлиб, юзлаб оилаларни ўз хонадонларига жойлаштирган, меҳрибонлик кўрсатган инсонларнинг азиз бошлари омон бўлсин.

Тошқин юз бермасдан олдин маҳалламиз аҳли билан бир эзгу ниятни келишиб, бу борада амалий ишларни ҳам бошлаб қўйган эдик. Яъни Шодликини энг намунали маҳалла даражасига етказиш ҳаракатида эдик. Гарчи, қўтилмаган ҳодиса рўй берган бўлса-да, мақсадимиз ўша-ўша — қадрдон кишлоғимизнинг ҳар бир хонадонига томорқаларни қайтадан яшнатамиз, оstonаларни гулу райхонларга буркаймиз. Президентимизнинг ёнимизда бўлиб, юзма-юз суҳбатлашиб берган далдалари, умидбахш сўзлари ҳаётимизда, турмуш тарзимизда ўз ифодасини топишига шубҳа йўқ. Ҳаммамизнинг кўнгилмизда табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этишга бўлган ишонч таянч бўлаётди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»)
ёзиб олди.

БИР-БИРИНИ СУЯШ, ХАЙР-САХОВАТ КЎРСАТИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Юртдошларимиз синовли кунларда ўзаро жипслашиб, муқтожларга меҳр-саховат билан ёрдам кўрсатиб, қадимдан қадрлиб келган олижаноб фазилатлари, азалий анъаналарини намойён этиб келмоқда.

27 апрель куни кеч-қурун Бухоро вилоятида содир бўлган табиий офат минглаб юртдошларимизнинг ҳузур-ҳаловати, тинчлиги бузилиб, Тураржойлар, инфратузилма объектларига жиддий зиён етди. Ана шундай қийин паллада бухороликларга бутун мамла-

катимиз, жумладан, сирдарёликлар ҳам ёрдам қўлини чўзишди.

— Буни қарангки, орадан сал фурсат ўтиб Сардоба сув омборида офат юз берди, минглаб сирдарёликлар бошига ташвиш тушди, — дейди Бухоро шахрида ис-

тикомат қилувчи меҳнат фахрийси Бекбуд Жумаев. — Обод қишлоқлар, боғу роғлар, экинзорларга зарар етди. Шу боисдан ҳам сирдарёликларнинг аҳолини, қайғусини табиий офат оқибатларини бошдан кечирган биз, бухороликлар жуда яхши англаймиз. Халқимиз уруш йилларида турли миллат ва элатга мансуб юз минглаб фуқароларни, гўдакларни бағрига олиб, меҳру оқибат кўрсатганини бутун дунё билади. Шундай

экан, биз, бухороликлар тошқин оқибатида қийналиб қолган оилаларни бағримизга олишга, уларга зарур ёрдам кўрсатишга тайёремиз.

Отаҳон ҳақ, Сардоба тошқини ўз берган заҳоти Бухородан Сирдарёга 20 тонна ун, 10 тонна ўсимлик ёғи, 10 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ва 300 та кўрпа-тўшак жамламасидан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида сув тошқини оқибатида юзага келган талафотларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан кўмак карвонлари келиши давом этмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, 1 — 4 май кунлари мобайнида 183 тоннадан ортиқ озиқ-овқат ва полз маҳсулотлари, 45 та қўй, 21 мингдан кўп

кийим-кечак, кўрпа-тўшак, доридармон ва уй-рўзғор буюмларида иборат умумий қиймати 2 миллиард 400 миллион сўмлик бегараз ёрдам юклари сув тошқинидан талафот кўрганлар учун Сирдарё вилоятига етказилди, вилоят маҳаллий бюджетидан 3 миллиард сўм миқдорига пул маблағи ўтказиб берилди.

Бундай эзгу ишга саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар,

ҳарбий хизматчилар, корхона ва ташкилотлар ходимлари фаол хисса қўшмоқда.

Оғир кунларда бир-бирини суюш, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилат. Ана шу азалий қадриятга амал қилган ҳолда, Сурхондарё вилояти аҳли сардобаликларга беминнат ёрдам кўрсатишда давом этмоқда.

Илхом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Сирдарёликлар ҳаёти тез фурсатларда яна изига тушади

Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик. Халқимизга хос айни шу фазилатлар юрт бошига синов келганда уни мардонавор енгиб ўтиш ва тезда қайта оёққа туришда қўл келган. Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳли дуч келган табиий офат, яъни сув балоси натижасида бу ҳудудларда истикомат қилаётган 17 минг аҳолининг бошига тушган ташвиш ва уни ортда қолдириш учун бутун мамлакатимиздан келаётган кўмак бунга ёрқин мисол бўла олади.

Сенатор мушоҳадаси

Мен ҳам сирдарёликман. Шу ҳудуддан сайланган сенатор сифатида куни кеча Тошкент шахрида ўтказилган саховат ва кўмак акциясида бевосита қатнашдим. Шунга гувоҳ бўлдимки, пойтахт аҳли юртдошлари ҳақида чин дилдан қайғуриб, уларга қўлдан келганча кўмак беришга интиляпти. Бу ҳолат менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Шундай бағрикенг халқимиз фарзанди эканимдан яна бир қарра фахрландим.

Ҳамюртларимизнинг имкон қадар иссиқ кийим-кечак, озиқ-овқат, бирламчи эҳтиёж буюмлари, ҳаттоки, болалар ўйинчоқларидан иборат 28 та юк машинасига ортиқлар ёрдами Сирдарё вилоятига жўнатилди. Бу каби инсонпарварлик қарвонлари нафақат пойтахтимиз, балки барча вилоятлардан келмоқда. Одамлар офатдан жабр кўрганлар дардига малҳам бўлиш учун бор имкониятини ишга солмоқдалар.

Сардоба сув омборидан сув чиқиши оқибатида атрофдаги 5 та қишлоқ катта талафот кўрди. Ўзим Мирзаобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида туғилиб ўсганман.

Биз оилада беш ака-укамиз. Мен Гулистон шахрида истикомат қилсам-да, жигарларимнинг ҳаммаси бола-чақаси билан шу қишлоқда яшайди. Укам Лутфулло Тўйчиев яқиндагина тўрт хонали уй қуриб, ҳовли тўйи қилмоқчи бўлиб турганди. Энди унинг тураржойидан ном-нишон йўқ...

Энг муҳими, одамларнинг жони омон қолгани. Бу — Яратганининг инояти. Қолаверса, аҳолини эвакуация қилиш ишлари жуда тезлик билан юқори даражада, яъни бор-йўғи 1-1,5 соат ичида амалга оширилди. Бунда, аввало, аҳолининг ўзи ҳам бирдамлик намунасини кўрсатди. Одамлар хавфсиз жойга қўчишда бир-бирига ёрдам берди, бир-бирини қўллаб-қувватлади. Эвакуация пайтида тегишли тизим ходимлари ҳам аниқ ва самарали ҳаракат қилди. Аҳолининг саросимага тушган, мол-мулкидан айрилган, эртанги кунидан ташвишланиб турган бир вақтида давлатимиз раҳбарининг воқеа жойига зудлик билан етиб келиб, барча ишларга ўзи бош-қош бўлгани одамларга катта далла бўлди, уларда эртанги кунга ишонч уйғотди. Президентимиз

миз сув босган қишлоқлар қайта тикланиши, бузилиб кетган уйлар ўрнига янги, замонавий уйлар қурилиши ва янгидан инфратузилма объектлари барпо этилишини айтди.

Дарҳақиқат, бирорта жабрдийда инсон кўчада ёки қаровсиз, эътиборсиз қолдирилмади. Барчаси иссиқ овқат ва зарур буюмлар билан таъминланди. Аксарияти аҳоли хонадонларига жойлаштирилди. Жумладан, ўзининг Гулистондаги уйида ҳам 43 киши паноҳ топди. Шунингдек, эвакуация қилинганлар Гулистон, Янгиер шаҳарлари атрофидаги ижтимоий соҳа объектларига, боғчаларга, санаторий типидagi оромгоҳларга жойлаштирилди.

Аёнки, офатни бошдан кечирган инсонга, аввало, умид керак. Кўнглига таскин берувчи далла зарур. Юртбошимизнинг Сирдарёга бориб, то ҳаммаси изига тушиб, инфратузилма йўлга қўйилмагунча ҳудуддан кетмасликларини билдирганликлари маҳаллий аҳоли учун жуда катта далла бўлди.

Мен, сирдарёлик эканимдан, мана шундай матонатли ва чинакам инсонпарварлик туйғуларини мужассам бўлган халқ вакили эканимдан гурурланаман. Бугунги ташвишли кунларда кўрсатаётган бегараз ёрдамлари учун юртдошларимизга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Ишонамиз, тез фурсатда сирдарёликлар ҳаёти яна изига тушади.

Анвар ТҮЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Моддий ва маънавий мадад эртанги кунга ишонч бағишлайди

Бугун қўтилмаган балойи офатлар олижаноб халқимизни такрор ва такрор синовлардан ўтказмоқда. Аввалига короновирус пандемиясининг тарқалиши, кейинчалик Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларидаги кучли шамол одамларимизни бир оз шошириб қўйди. Айниқса, Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг ўпирилиши натижасида сув тошқини юзага келгани, очиги, барчамизни қаттиқ ташвишлантирди.

Депутат фикри

Сув тошқинидан талафот кўрган барча аҳоли кўчирилди, Мирзаобод туманининг сув омборига яқин жойлашган сув топиш хавфи бўлган Янгиовул, Дўнгарик, Балиқчи, Ҳақиқат, Пахтаобод, Беруний, Баҳористон маҳаллалари аҳолиси вилоятнинг бошқа ҳудудларига, бир қисмини эса қўшни Жиззах вилоятидаги мактаб, коллеж биноларига жойлаштириш чоралари кўрилди.

Тўғриси айтсам, Мирзаобод туманининг юқоридagi маҳаллаларида ўтган болалик кезларим, у ерда бугунги кунда яшаётган дўстларимнинг аҳволи не кечар экан, деган ўй-хаёл кўз ўнгимдан ўтди-ю, шу одамлар сингари мен ҳам бошида саросимага тушиб қолдим.

Президентимиз воқеа содир бўлган ҳудудга етиб боргани, сув омбори дамбаосидан сув чиқиши оқибатларини кўздан кечириб, уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб бергани, айниқса, Оқолтин тумани фаоллари ва оқсоқоллари билан учрашиб, ҳамма куч ҳамда восита-

ларни одамларни саранжом қилишга, уларни уйларга жойлаштиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ва шароит яратишга қаратилиш таъкидлангани кўрқув ва саросимага тушиб қолган одамларда ишонч ва руҳий куч уйғотди.

Айни вақтда тўғондаги сув тошқини кўрилган тезкор ва оқилона чора-тадбирлар натижасида тўғонларда. Талафотдан азият чеккан аҳолига давлатимиз томонидан қилинган раҳмат билан бирга, меҳр-мурувват, бағрикенг ва саховатпеша ватандошларимиз ҳам бегараз ёрдамларини аяшмаяпти.

Муборак Рамазон ойида мана шундай юксак савобли ишларга бел боғлаган юртдошларимиз томонидан кўрсатилаётган кўмак офатдан талафот кўрган одамларимизга моддий ва маънавий мадад, эртанги кунга ишонч ва руҳий куч бағишлайди, албатта.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

АҚШ расмийлари ва экспертлари ўзбек халқининг матонатини эътироф этди



АҚШдаги етакчи таҳлил марказларидан бири бўлган Халқаро стратегик тадқиқотлар ассоциацияси президенти Грегори Купли ҳам ўз интервьюсида шу бўйича фикрларини билдириб ўтди:

“Ўзбекистон короновирус пандемиясига қарши қандай самарали кураш олиб бораётганини кўришдан хурсандман. Афсуски, яқинда мамлакат йирик табиий офатлар — Бухорода довул ва Сирдарё вилоятида сув тошқинларига дучор бўлди.

Бугун бутун дунё Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республика ҳукумати фожиянинг биринчи кунларидан бошлаб, мамлакатнинг ушбу ҳудудларида жабрланган аҳолига ҳар томонлама кўмак бераётгани, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ўз вақтида самарали чора-тадбирлар қабул қилаётганига гувоҳ бўлиб турибди.

Юзага келган қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида COVID-19 вирусини билан курашишда давом этапти. Бу ўзбек халқининг қатъиятини намойён этади ва Марказий Осиё учун намунадир.

Ўзбекистон табиий офатлар оқибатларини тезда бартараф этишга ишонамиз. Биз, бу ерда, Ва-



шингтонда бўла туриб, жабрланган инсонларга эсон-омон, сиҳат-саломат бўлишини сўраб ният қилганимиз ва тезда оёққа туришларини талаб қоламиз”.

Маълумот учун: Халқаро стратегик тадқиқотлар ассоциациясида 200 дан ортиқ экспертлар фаолият олиб боради. Ушбу ташкилот ҳар ойда нуфузли “Defense &

Foreign Affairs” журналида тадқиқот материалларини нашр этади. Улар, асосан, АҚШнинг Хитой, Россия, Эрон, шунингдек, Яқин Шарқ ва Осиё минтақаси билан алоқаларига бағишланади.

Туркистон — Америка ассоциацияси раиси Абдулла Хўжа ўзининг видеомурожаатида эса қуйидагиларни таъкидлади:

“Биз куни кеча Сирдарёдаги тўғон ўпирилиши ҳақидаги хабарни алоҳида қавотир ва қайғу билан қабул қилдик. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва барча ўзбек халқига ўз ҳамдард-лигимизни билдирамиз.

Табиий офатларда қўбонлар бўлмагани ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан маҳаллий аҳолини зудлик билан эвакуация қилиш ҳамда уларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича дарҳол чора-тадбирлар қабул қилинганидан хурсандимиз.

Ўзининг қўна тарихи давомида кўплаб синовлардан ўтган халқимиз бу қийинчиликларни ҳам ўзаро бирлик ҳамда жипслик руҳида мардонавор енгиб ўтишига ишонамиз. Рамазон ойининг бугунги барокатли кунларида халқимиз ушбу офатлар оқибатларини тезроқ енгиб ўтишлари учун дуо қиламиз”.

Туркистон — Америка ассоциацияси 1958 йилда АҚШнинг Филадельфия шаҳрида, асли ўзбекистонлик бўлган инсонлар томонидан асос солинган биринчи нодавлат нотижорат ўзбек жамоатчилиги ташкилотидир. Унинг аъзолари сони қарийб 3 минг нафар бўлиб, шулардан 80 фоиздан ортигининг келиб чиқиши Ўзбекистон ҳисобланади. Улар АҚШ ва Канаданинг

турли штатларида истикомат қилишди.

Питтсбург университети профессори Женифер Муртазашвили эса Сирдарё вилоятидаги барча жабрдийдаларга ўзбек тилида мурожаат йўллади:

“Ассалому алайкум азиз дўстлар!

Мен Сирдарё вилоятида яшадим. Мен у жойларни жуда яхши биламан ва жуда соғиндим! Сардобалик дўстларим, мен дардингизга шерикман!

Жуда ҳам ачиндим!

Сирдарё вилоятидаги тошқиндан жабр кўрган барча одамларга ўз ҳамдардчилигини билдираман. Кучли бўлиб қолишингизни сўрайман. Бизнинг қалбимиз сизлар билан! Биз биргемиз!”

Женифер Муртазашвили Питтсбург университети Жамоатчилик ва халқаро алоқалар олий мактабидagi Халқаро ривожланиш дастури директоридир. У Марказий Осиё ва Афғонистон ҳақида қатор китоблар муаллифидир. Ўзбекистонда Халқаро тараққиёт бўйича АҚШ агентлиги ходими, АҚШ Тинчлик корпуси волонтери ва Жаҳон банки маслаҳатчиси лавозимларида фаолият олиб борган.

Санджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЯКДИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП



— Давлатимизга минг раҳмат, тез фурсатда талафот етган хонадонларга чоралар кўрилди, — дейди ўзини Нафосат Бегубова дея таништирган аёл. — Маҳалламиз қиёфаси кун сайин шундоқ кўз ўнгимизда ўзгариб, талафотдан асар ҳам қолмапти. Қийин дамда халқимиз, давлатимиз таянч бўлди. Бирдамликда, ҳамжиҳатликда гап кўп экан. Жуда хурсандимиз.



— Кўп қаватли уйда яшаймиз, оилада тўққиз кишимиз, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Севара Бақоева. — Шамол том ши-ферини кўприб оқибди. Томдан чакка ўтиб, чи-роқ ўчди. Табиий газсиз қолдик. Шундай оғир паллада раҳбарларимиз уйма-уй юриб биздан ҳол-аҳвол

қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган автомашиналар карвонининг кети узилмаяпти. Бундан бутун олотликларнинг кўнгли тоғдек кўтарилмоқда.

«Халқ сўзи».

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Бюджет маблағларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш доимо муҳим вазифа бўлиб келган. Бу, айниқса, ҳозирги шароитда ўта долзарб саналади. Шу боис ҳам бу йўналишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати ва Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилнинг биринчи ярмида ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар дастури ишлаб чиқилган эди.

Парламент назорати

Шу асосда Андижон вилоятида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, инвестиция дастурлари доирасидаги лойиҳалар, бюджетга қўшимча манбаларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ўрганилиб, таҳлил этилди.

Кеча Сенатда шу ўрганишлар якунларига бағишланган онлайн мулоқот бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, Ҳисоб палатаси мутасаддилари, Бош прокуратура, вазирлик ва идора-лар раҳбарлари, Андижон вилояти ҳокимлиги раҳбарлари ва вилоятнинг тегишли соҳалари масъуллари, Сенат девонининг Давлат бюджети ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Айтиш жоизки, парламент юқори палатасида янги ташкил этилган бошқарма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёни устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда, назорат олиб боради. Бошқарма вакиллари Андижон вилоятида ўтказилган ўрганиш натижаларини таҳлил қилишда ҳам бевосита қатнашди.

Таҳлил натижасида маҳаллий бюджетга 92 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромадларни жалб этиш имконияти мавжудлиги ўрганилган. Бандликни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишга маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 40 фоизи сарфланиши белгиланган, лекин бу мақсадларга маблағ ажратилмаган. Шунингдек, қўшимча манбаларнинг 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга сарфланиши лозим бўлгани ҳолда, умуман сарфланмаган. Қўшимча манбалар ҳисобидан қарийб 112,4 миллиард сўм манба-сиз ва мақсадсиз харажатларга йўл қўйилган.

«Халқ сўзи».

Молия муассасаларида

Халқимизда “меҳнат қилган кам бўлмайди”, деган гап бор. Чиндан ҳам, инсон астойдил меҳнат қилса, турмушии ишида барака бўлади. Ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ва ҳозирги кунда турли янгилар яратаётган олимларимиз фаолияти бунга яққол мисолдир.

Бинобарин, ҳар қандай муваффақият замирида яратиб берилган шарт-шароитларнинг аҳамияти катта. Шу маънода, бугун юртимизда халқ фаровонлигига ҳисса қўшишга интилаётганларга барча имконият мавжуд. Хусусан, бизнес юритиш учун қўлай муҳитни таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётда хусусий тадбиркорлик

фаолияти самарадорлиги ортиб борапти. Сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича қабул қилинган 10 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, молия секторини замон андозалари асосида ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ўз меваларини берапти. Қўйилган марралар эса улкан. Зеро, Президентимиз жорий йил январь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида ҳам “Биз келгуси беш йил учун юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, саноат тармоқлари, энергетика, транспорт,

қишлоқ ҳўжалиги, уй-жой ва коммунал соҳаларни ривожлантириш борасида катта марраларни белгилаб олдик. Жумладан, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробар ошириш ёки 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларга етказиш зарур”, дея таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлганларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик, ўрта ва чакана бизнесни ривожлантиришни ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилаб олган. Бунинг амалий ижросини банкнинг Навоий вилояти филиали фаолияти мисолида кўриш мумкин.



Тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш — АСОСИЙ МЕЗОН



Инновацион иссиқхона

Деярли мустақиллик тенгдоши бўлган “Zarafshan Golden Group” компанияси бугунги кунда республика-миздаги энг йирик кўп тармоқли жа-миятлардан бирига айланган. Мам-лакатимизнинг саноат ҳудудларидан саналган Навоий вилоятида фаолият юритаётган мазкур корхона жамоаси хизмат кўрсатиш соҳасидан тортиб, ишлаб чиқариш ва қурилиш йўнали-ши, транспорт, тошларни қайта иш-лаш, металл конструкциялар тайёр-лаш, мебелсозлик, қурилиш маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш, иссиқхона ва боғдорчилик тармоқларини ривож-лантириш билан шуғулланади.

Маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш ҳажминини кўпайтириш, тармоқда янги технологияларни қўллаш орқа-ли харажатларни камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш каби маса-лаларга жиддий эътибор қаратилмоқ-да. Натижада нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг йирик савдо марказлари ҳам Ўзе-бистонда етиштирилган сифатли маҳсулотлар билан бойимокда. Энг асосийси, улар харидорларга манзур келяпти.

Албатта, бу ютуқлар замирида ишлаб чиқаришга инновацияни кенг татбиқ этиш, замонавий иссиқхона-лар сонини кўпайтириш, айна йўна-лишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва бу борада самарали меҳнат қиладиган тадбиркорларга кенг имтиёз ҳамда имкониятлар бериш каби эзгу ҳаракатлар ётибди. Айниқ-са, оддий ҳўжаликларга нисбатан 2-2,5 баробар кўп ҳосил олиш мумкин бўлган гидропоника усули “экспортбоп маҳсулот тайёрлайман”, деган деҳқоннинг мақсади рўёбга чиқишига хизмат қиляпти.

“Туронбанк” АТБнинг **2,1 миллион долларлик** молиявий кўмаги эвазига Қармана туманида янгидан ташкил этилган замонавий иссиқхона ташаббускорлари ҳам шу усулда турли хил сабзавотлар етиштириб, ички ва ташқи бозорни тўлдириш ниятида. Умумий қиймати **2,5 миллион долларга** тенг бўлган ушбу лойиҳа “Zarafshon Grand Bog”lati” масъуляти чекланган жамияти ҳамда “Serasan Yalpi Teknik” қишлоқ ҳўжалиги ва

инжиниринг маркази билан ҳамкорликда амалга оширилган. Бу ерда Нидерландия ва Туркия технологиялари асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Объектнинг умумий майдони **3,2 гектарни** ташкил этса, шундан **3 гектари** иссиқхона. Бу ерда бир мавсумда гектаридан **250 тонна** маҳсулот етиштириб, шунинг **90 фоизини** экспорт қилиш режалаштирилган. 2019 йилнинг охирларида фаолият бошлаган иссиқхона агрономининг сўзларига кўра, жорий йилда тўлиқ ҳосил олинади.

Иссиқхона барча стандартларга тўла жавоб бериши билан бирга, ор-тиқча инсон омилини ҳам чеклайди. Иш жараёнининг деярли барчаси ав-томатлаштирилган. Покиза, ёруғ ва мўъжаз жойда ҳаво намлигини мўъта-диллаштирувчи туманлатгич ускуна-си ишга туширилса, гўё майин ёмғир ёғаётгандек бўлади. Шамоллатиш ти-зими, совитишга мўлжалланган ком-прессорлар, ҳаво ҳарорати, намлик ва иссиқликни ўлчайдиган асбоблар ҳамда радиаторлар сифатли маҳсу-лот тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Иссиқхонадаги ҳарорат, ўсим-ликнинг сув ва озуқага талаби ком-пьютер технологиялари орқали чуқур таҳлил қилиб борилади ва жамлан-ган ҳулосалар асосида миқдор ҳамда меъёрь тажрибали агроном томони-дан белгиланади, — дейди “Zarafshon Golden Group” компанияси раҳбари Улуғбек Файзиев. — Турли минерал-лар билан бойитилган сув томчи-латиш усулида ўсимлик илдизига етказилади. Ушбу лойиҳа туфайли 60 нафарга яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Улар, асосан, иссиқхона ҳудудига яқин бўлган Дўстлик, Сардоба ва Хозара маҳал-лаларида истиқомат қиладди.

Шу ўринда савол туғилади. “Таш-ландик ерни ҳам хазинага айланти-рувчи усул”, дея таърифланувчи гид-ропониканинг афзаллиги нимада? Айтиш жоизки, у ер танламайди. Чунки бундай мажмуаларда кўнат табиий тупроққа жойлаштирилмайди. Аксин-ча, махсус тоқчалардаги озуқага эки-лади. Бу эса бўш ётган майдонлар-

дан максимал даражада фойдала-нишда айна муддаодир. Томчилатиб сўғориш тизими орқали эса озуқа эритмалари ўсимлик илдизига тўғри-дан-тўғри етиб боради. Тупроқдаги касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, ерни экишга тайёр-лаш, органик ўғитлар билан бойитиш, ишлов бериш, сўғориш учун эгатлар очиш, бегона ўтларга қарши курашиш тадбирлари талаб қилинмайди. Сув 70 фоизгача тежаллади.

Қисқаси, ажратилаётган маблағла-ру яратилаётган янгилек ва енгил-ликлар беиз кетмаяпти. Унинг сама-раси мана шундай истиқболли лойи-ҳаларда кўринади. Эндиги вазифа эса ушбу тармоқни янада ривожлантириш



ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари-ни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сара-лаш, қадоқлаш ва экспорт “занжи-ри”ни ўз ичига олувчи кластерларни ташкил этишни жадаллаштиришдир. Бунда эса “Туронбанк” ўзининг бе-миннат ва тезкор хизматларини так-лиф қиладди.

Импорт қилувчидан экспортчига айланиш вақти келди

Бугун юртимизда бунёдкорлик иш-лари тобора кенг қулоқ ёйиб, янги бино ва иншоотлар, кўп қаватли ту-раржойлар, маданий-маиший объек-тлар қад ростламоқда. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиляпти. Табиийки, қурилиш қанча-лик кўпайса, бинокорлик ашёлариға талаб ҳам шунчалик ортиб бораве-ради. Ушбу эҳтиёжни қондириш учун эса қурилиш материаллари саноати-ни ривожлантириш, замонавий архи-тектура талабларига жавоб берувчи, енгил ва зилзилабардош, иннова-цион қурилиш материалларини ма-ҳаллийлаштириш ҳамда соҳага хори-жий инвестицияларни жалб қилиш жуда муҳим.

Замонавий, пухта, узоқ йиллар давомида хизмат қиладиган иншоотларни барпо этишда эса газобетон ва темир-бетон маҳсулотларининг олоҳида ўрни бор. Айни шу жиҳатларни инобатга олган “Zarafshan Golden Group” компанияси Навоий вилоятидаги энг йирик ишлаб чиқориш объектлардан бири бўлиши қутилоётган газобетон ва темир-бетон заводини ишга туширишга

тайёр турибди. Компания томонидан илгари сурилган ташаббуснинг умумий қиймати **11 миллион доллар** бўлиб, “Туронбанк” томонидан биринчи босқичда **10,7 миллиард сўм**, иккинчи босқичда **6,8 миллион доллар** миқдорда кредит ажратилган. Бу молиявий кўмак реконструкция ва қурилиш ишларини амалга



ошириш, асбоб-ўскуналар, махсус техникалар харид қилиш каби эҳтиёжлар учун сарфланади. Технологиялар эса Хитой ва Германиядан олиб келинади.

Ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилгач, Ўзбекистонда Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган иккита иннова-цион завод пайдо бўлади. Дастлаб-киси — Хитойнинг “Anhui Keda Industrial co.,ltd” компанияси билан ҳамкорликда автоклав услуби билан тайёрланадиган газобетон блоклар-ни ишлаб чиқарувчи заводда бир сут-када 500 метр куб, 1 ойда 12,5 минг метр куб, 1 йилда эса 150 минг метр куб маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, 200 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Иккинчи лойиҳа бўйича эса Испаниянинг “Technology For Prestressed Concrete Resemart” компанияси билан биргаликда йили-га 400 минг квадрат метр 20 турдаги темир-бетон маҳсулотлари тайёрлов-чи завод қурилади. Натижада 100 дан зиёд маҳаллий аҳоли бандлиги таъминланади.

— Муболагасиз айтиш мумкинки, ушбу маҳсулотларимиз қурилиш иш-лари сифати ва самарадорлигини кескин ошириб, қурилиш-монтаж жа-раёнлари қийматини бир неча бара-вар камайтиришга кўмаклашади, — дейди Улуғбек Файзиев. — Маҳсулот-ларимиз қишнинг қаҳратоню ёзининг жазирамасида ҳам ўз мустаҳкамли-гини, сифатини йўқотмайди. Сейсмик жиҳатдан ҳам ишончли. Албатта, бу ишларни йўлга қўйишимизда “Турон-банк”нинг молиявий кўмагига таяна-миз.

Корхона раҳбарининг сўзларига кўра, келгусида ишлаб чиқарилаёт-ган маҳсулотлар тури янада кўпайти-рилади. Бу эса кенг бунёдкорлик иш-лари сифатини ошириб, тураржойлар таннаркини мақбуллаштиришга кўмаклашади.

Аслида, давлатимиз раҳбари ҳар бир йигилишда илгари сураётган

фирқлари мана шу. Яъни хориждан олиб келинадиган товарларни маҳал-лийлаштириш, уларнинг номенклату-расини кенгайтириб, маҳаллий бо-зорларда ҳажминини кўпайтиришдир. Бу жараёнда эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, “Туронбанк” ўзининг сифатли ва тезкор хизматлари би-лан фаол иштирок этмоқда.

Туризм ривожиди замонавий меҳмонхоналарнинг ўрни бекиёс

Мамлакатимиз ўзининг узоқ йил-лик тарихий-маданий мероси, ноёб моддий ва номоддий қадриятлари, меъморий обидалари, замонавий ша-ҳарлари билан халқаро сайёҳлик бо-зорида алоҳида мавқега эга. Бой ўтмишимиздан далолат берадиган қадимий ёдгорликларни асраб-авай-лаш, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шахрисабз, Марғилон шаҳар-ларидаги кўҳна ва замонавий бино-лар, жойларда фаолият кўрсатаётган миллий хунармандлик марказлари ушбу ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам ривож-лантиришга хизмат қиляпти.

Айниқса, сўнгги йилларда сайёҳ-ликка юксак даражада эътибор қар-тилаётгани туфайли соҳада ту-бурилиш юз бериб, бир қатор янгилек-лар кузатилмоқда. Жумладан, мазкур



тармоқни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам-лаш борасида биргина ўтган йилнинг ўзида “Туризм тўрисида”ги Қонун ва Президентимизнинг 10 га яқин Фармон ва қарорлари қабул қилин-ди. Шунингдек, янги таълим муасса-салари фаолияти йўлга қўйилди. Сайёҳлар оқими ошиши, янги турист-тик маҳсулотлар, йўналишларни рив-ожлантириш, инфратузилмани тако-миллаштириш, хорижий инвесторлар-ни жалб этиш бўйича самарали иш-лар бажарилди. 2025 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш концепциясининг тасдиқлангани эса тарихий ва гоят муҳим қадам бўлди.

Фикримизни “Zarafshan Grand Hotel” тўрт юлдузли меҳмонхоналар тармоғи мисолида давом эттирсак. Айтиш жоизки, “Zarafshan Grand Hotel” меҳмонхоналар тармоғи бу борада локомотив ҳисобланади. Навоий вилоятининг марказида жойлашган хизмат кўрсатиш муассасаси бир вақтининг ўзида **100 нафарга** яқин ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлиб, у ерда

1, 2, 3 ўринли 117 та хона мавжуд. Банкдан олинган кредит эвазига эса меҳмонхона энг сўнгги русумдаги ва замонавий жиҳозлар билан тўлдирилиб, энг нозик таъбли мижозларга ҳам юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Бу ерда **140 нафар** профессионал ходим меҳнат қилмоқда.

“Zarafshan Grand Hotel” тўрт юлдуз-ли меҳмонхоналар тармоғи раҳбари Улуғбек Файзиевнинг айтишича, мам-лакатимизнинг барча шаҳарлари сай-ёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, Тошкент қадимдан Европа ва Осиё мамлакатларининг ўзаро алоқаларида ўзига хос кўприк вази-фасини ўтаган бўлса, Навоий шаҳри худуди бой тарихи ва қадимий оби-далари билан ном қозонган. Шунинг учун заминимизга бутун дунёдан меҳ-монлар келади. Уларни халқимизга хос қадриятлар асосида муносиб қарши олиш, иззат-икром кўрсатиш эса жуда муҳим. Меҳмонхонада бар-ча шароит яратилган. Шинам ва дид билан безатилган хоналар, ихчам ресторан, анжуманлар зали, Wi-Fi бор



ва автомобиллар учун жой мавжуд. Хорижий меҳмонларга қўлай бўли-ши учун тўловларни “Mastercard” ва “Visa Card” орқали амалга ошириш имконияти яратилган. Қисқаси, бу ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларга яратиб берилган имкониятлар самарасидир.

Мухтасар айтганда, қабул қили-наётган қарорлар, ишлаб чиқилаёт-ган “йўл хариталари” бежиз бўлаёт-гани йўқ. Босқичма-босқич барчаси-нинг ижроси таъминланиб, унинг ортидан натижалар буй кўрсатяпти. Бу мамлакатимизда тинчлик-осойиш-талиқ барқарорлиги, мамлакатимиз-нинг замон билан ҳамқадам ривож-ланаётгани самарасидир.

Иқтисодиётда хизматлар ва ишлаб чиқаришнинг хиссаси ортиб бориши баробарида, маҳаллий-лаштириш даражаси ҳам юксалиб, янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Глобал инвесторлар, ишби-лармонлар, сиёсатчилар ва эксперт жамоатчилигига мўлжалланган “BRICS Business Magazine” журна-ли ижодкорлари таъбири билан айтган-да, “Нима бўлган тақдирда ҳам, бир нарс аниқ: Ўзбекистон қарвон каби аллақачон йўлда, белгиланган манзил сари машаққатлар ва ёнида келаётган шовқин-суронга қарамай ишонч билан бормоқда”.

Банк матбуот хизмати. *Хизматлар лицензияланган.*

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-й. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Реклама

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

“Коммунизмат” агентлиги томонидан 2020 йил 28 апрель кунин “Халқ сўзи” газетасининг №86 сонидида чоп этилган тендер эълонидаги 1 лот қуйидагича ўқилсин: **“1-ЛОТ: 27 789 790 221 сўм”**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт клиникаси бош шифокори

Гулрано УСМОНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6